

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,  
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI TALABA VA O'QUVCHILARNING  
MA'NAVIY YUKSALISHIGA KO'MAKLASHISH MARKAZI**

**MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR SIYOSATI VA SPORT VAZIRLIGI  
YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI TOSHKENT SHAHAR BOSHQARMASI**

**O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
TOSHKENT SHAHAR HUDUDIY KENGASHI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI HUZURIDAGI  
O'ZBEKISTONNING ENG YANGI TARIXI MASALALARI BO'YICHA  
MUVOFIQLASHTIRUVCHI-METODIK MARKAZ**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INVESTITSİYALAR, SAVDO VA SANOAT  
VAZIRLIGI O'ZBEKISTON TEXNIK JIHATDAN TARTIBGA SOLISH AGENTLIGI  
RESPUBLIKA YOSH OLIMLAR KENGASHI**

# **“SIFATLI TA'LIM – TARAQQIYOT POYDEVORI”**

**mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy  
konferensiya to'plami**

**2023-yil 20-aprel**

## БУХОРО БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИ БАДИИЯТИ

**Авезов С.С.**

*БухДУ Мактабгача таълим кафедраси доценти,  
филология фанлари номзоди*

Умумўзбек фольклорининг ажралмас таркибий қисми саналган Бухоро фольклори жуда катта тарихий даврни бошидан кечириб, ўзида юксак халқ ижодкорлигини жамлаб келмоқда. Бухоро фольклорида эса болалар ижодкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро болалар ўйинлари мазмун ва мундарижа жиҳатидан бой, ранг-барангдир. Болалар фольклори жанрий жиҳатдан икки қисмга бўлиб ўрганилади. Болаларнинг мавсумий ва маросим фольклори бўлса, иккинчиси болалар ўйин фольклоридир.

Болалар мавсумий ва маросим фольклори мавзу жиҳатидан кенг бўлиб, унга алла, болалар қўшиқлари, термалар, айтишувлар, Рамазон қўшиқлари, муножотлар, насиҳатлар, юмористик шеърлари ва бир қанча жанрий таркибдан иборат.

Ана шундай жанрлардан бири-алладир. Алла оналар қўшиғи бўлиб, унда болани дам олдириш, ухлатиш учун айтиладиган қўшиқлар саналади. Бу қўшиқларнинг асосий ғоявий мазмуни оналарнинг қалбларидаги ички руҳий тўлқинлари ва Оллоҳга нидолари сифатида юзага келган. Ўзбек олимларидан Ғози Олим Юнусов<sup>42</sup>, Элбек,<sup>43</sup> кейинчалик О.Сафаров<sup>44</sup> "Бойчечак" тўпламида 250дан ортиқ алла матнларини келтирган бўлса, олима М.Ёқуббекова шу мавзуда номзодлик ишини ҳимоя қилган<sup>45</sup> Профессор 2003 йилда "Алла-ё, алла"<sup>46</sup> тўпламида ўзбек оналари алласини бир жойга тўплаб нашр эттирди. Уларнинг кўп қисмида Бухоро оналар ижодкорлиги аниқ кўриниб туради.

Сан-ку манинг биргинам, алла-ё, алла,

Бошимдаги гулгинам, алла-ё, алла,

Гулгинамни йитирдим, алла-ё, алла

Йиғлаб куним ўтқирдим, алла-ё, алла

Кўринадики, матнда Бухоро вилояти шевалари жуда кўп учрайди. Улар сан, ман, йитирмоқ, ўтқирмоқ каби сўзлардир. Адабий тил меъёрида сан, ман-сен, мен, йитирдим-йўқотдим, ўтқирдим-ўтказмоқ маъноларида қўлланилади. Бу алла воқеий бўлиб, она якка-ягона фарзандини бошидаги гулга қиёс этмоқда. Бироқ она ана шу ягонасидан-гулидан ажралиб қолади.

<sup>42</sup> Сафаров О.Бойчечак, ГАСН, 1984, 19-бет.

<sup>43</sup> Алла-ё, алла (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: О.Сафаров), Тошкент, 2003.

<sup>44</sup> Бухор элда гул сайли (Тўпловчи ванаширга тайёрловчи Д.Ўраева ва Д.Ражабов.) -Тошкент, Муҳаррир, 2010, 164-бет.

<sup>45</sup> Ўша асар, 26-бет

<sup>46</sup> Safarov O. O'zbek xalq bolalar o'yinlari.-Toshkent, Sharq, 2011, 112-bet

Алла-ё, алла сўз компоненти нафақат болани аллаловчи оҳанг, балки онанинг дил изҳорини ифода этувчи восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Алла жанрининг ўзига хос хусусияти шундаки, матнда « алла», «алла-ё, алла»каби сўз компонентлари узлуксиз такрорланиб келади. Сўз компоненти ҳаракат компоненти билан баровар тарзда она образи томонидан интим оҳангда амалга оширилади. Бешикнинг бир ритмик меъёрда тебраниши боланинг оромини таъминлайди. Гарчи боланинг қўлоқлари бешикда боғлиқ ҳолда бўлса-да, ўзини алла оҳангида эркин ҳис қилади. Онанинг у ҳақдаги орзу-ҳавасга тўлган қувончи, дард-аламга йўғрилган ҳасратлари ифодаланган алла нидоси оҳангида ухлаб қолади.

Алла сўзи мисранинг зачинида қўлланадиган матилар ҳам учрайди:

Алланинг оти яхши

Минг қайғудан бир шод яхши.

Қадринг билмас қариндошдан

Билса қадринг ёт яхши<sup>47</sup>

болалик пайдо бўлгандан буён мавжуд эканлигини ҳис қилиш мумкин. Бу жанр нафақат Ўрта Осиёда, балки дунё бўйича тарқалган мўъжизавий қўшиқдир: "Алла" сўзи тарихий генетик жиҳатидан жуда қадимий бўлиб, онанинг боласи бахти, соғлиқ-саломати учун Оллоҳга муножоти, илтижоси ва ички руҳий кечинмаларидир:

Алла демак – ҳақ демак

Ҳақдан сени тиларман,

Алла қўзим, алла.<sup>48</sup>

Алла – онанинг Парвардигорга илтижоси бўлибгина қолмасдан, фарзанди, нури дийдасига чексиз меҳри, ҳаётдаги орзу, тилаги ва ягона умиди эканлиги она томонидан изҳор этилади. Буларнинг бари оналарнинг беқиёс ижодкорлик намунаси бўлиб, руҳий –ҳиссий туйғулар бадий тасвирий ифодалар мисолида ташбеҳона акс эттирилган. Матнда боланинг табиати, хатти-ҳаракати жонли образда ифода этилган.

Болалар ўйинлари эса болалар томонидан бажариладиган ўйинлар мажмуасидир. Ўйинлар-болалар ижодкорлигидир. У-яхлит бир композицияга эга. Профессор О.Сафаров «Ўзбек халқ болалар ўйинлари» китобида 300 дан ортиқ ўйинларнинг тур ва хусусиятлари атрофлича ёритилган.<sup>49</sup> Ўйин жараёни таркибий жиҳатдан учга бўлинади: анъанавий дебоча(чорлама, чеклашмачоқ, санама ), ўйиннинг ўзи ва якуни(тарқалмачоқ)дан иборатдир. Ўйинлар мазмун-моҳиятига кўра икки катта гуруҳга ажратилади: 1. Ҳаракатли ўйинлар. 2. Маънавий (сўз)ўйинлар.

<sup>47</sup> Н.А.Муслимов, "Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси". Тошкент – «Фан ва технология» – 2013 128б 26-27б.

<sup>48</sup> Барахович И.И. Колледж коммуникативной культуры: Научно-методический бюллетень. Вып. 6 // Краснояр. ун-т, - С.116-119.

<sup>49</sup> Ю.Н.Емельянов. Теория формирования и практика совершенствования коммуникативной компетентности : диссертация . / ЛГУ. - Ленинград - 403 с.

Харакатли ўйинлар бевосита болаларнинг жисмоний ҳаракатига боғлиқлиги учун шу номга эга. Бундай ўйинлар ички хусусиятларига кўра, икки турга бўлинади: 1. Соф ҳаракатли ўйинлар. 2. Ҳаракатни предмет бошқарадиган ўйинлар.

Ҳаракатли ўйинлар болаларнинг нафақат жисмоний ҳаракати, балки қўл, кўз, тана ва ақлий тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади. Айниқса, соф ҳаракатли ўйинлар асосида топқирлик, чаққонлик ва ҳаракатни тўғри бажариш тартиби устуворлик қилади. Китобда болаларнинг саксон учта тури (42-74 бетлар) киритилган. Бухорода бундай ўйинларнинг аксарияти болалар томонидан ҳозирга қадар ўйналиб келинмоқда. Бундай ўйинларга "Бекинмачоқ", "Қувлашмачоқ", "Она товуқ ва ҳакка" каби ўйинлар киритилган бўлиб, бевосита жисмоний чаққонликни талаб этади. Гарчи бу ўйинларда ғолиблик ва мағлублик туйғулари муҳим ўрин тутса-да, болалардаги ўйин завқи охиригача уларни тарк этмайди.

Ҳаракатни предметлар бошқарадиган ўйинларда буюм-нарсалар ўрни муҳим аҳамият касб этади. Бу буюм-нарсаларга болалар нима учун қўлланаётганига эътибор бермасалар-да, унинг вазифасига, қўлланиш ўрнига катта аҳамият берадилар. Чунончи, "Беш тош" ўйинида бешта тошни ҳавога отиб қўл юзида сақлаб қолиш қиз болаларга шарт бўлса, ўғил болаларга эса "Ошиқ" ўйинида ошиқларни кўп тўплаш асосий мақсад саналади.

Ҳаракатли ўйинлардаги предметлар халқимизнинг кундалик ҳаётида кўп қўлланиладиган, зарурий эҳтиёжига айланган буюм-нарсалар ҳисобланади. Улар гарчи халқимизнинг яшаш тарзи, урф-одатлари учун хизмат қиладиган воситалардир.

Тошнинг бешталиги эса беш кунлик маъносини ифодалаб, ўйинчининг хатти-ҳаракати ва сезгиси, саъй-ҳаракати билан боғлиқ, деб таъкидлайди. Аслида ҳам ўйин профессор О. Сафаров ўйин жараёнида қўлланиладиган предметлар бевосита ўйиннинг пайдо бўлиши, тарихий генетик асослари билан боғлиқлиги ҳақида қарашларини баён этган. Қўшиқларда тош, таёқ, копток, олма, варрак, қўғирчоқ, камон ва бир қанча сўзларнинг болалар шеърлятидаги салоҳиятини янада бойишини таъкидлайди<sup>9</sup> Бу сўзларнинг рамзий маънолари шеърлятда мавжуд. Уларнинг болалар фольклорида матн контекстида ҳам умумий ёхуд ўзгача мазмун акс этади. Очиғини айтганда, болалар предметлар номини қофия тарзида қўллашга, сўз оҳангдорлигига эришишга интиладилар. Чунончи, "Беш тош" ўйинида беш тош-асосий восита. Бу ўйин қадимий мийлигига назар ташланса, аслида катталар томонидан яратилгандек таассурот қолдиради. Чунки бешта тош (тўртта ёки олтига эмас) эканлиги беш кунлик дунё рамзий мазмун ифода этади. Осмонга тошларни отиш ҳаракати эса бойликни кафтингда ушлаш эмас, балки қўл орқасида ушлашдан ҳам мураккаб, «Хушёр бўлсанг, эришасан»- деган мазмун бор. Қизиғи шундаки,

Бухоро болалари бу ўйинни беш тошда эмас, етти, тўққиз тош билан ҳам ўйнашади. Асосий мақсад- ўйин жараёнида тошлар бир-бирига тегиб кетса ўйин шартин бузилади. Бундан ташқари, биз кузатган бу ўйин таркиби уч қисмдан иборат. Биринчиси, болалар бешта тошни чап қўл билан бош ва кўрсаткич бармоғи билан дарвозача ҳосил қилиниб, тошлар шу ердан ўтказилади. Бу шарт бажарилса, беш бармоқ ерга тиралиб, ораси очилади. Тошлар бармоқлар орасидан ўтказилади. Якуний топшириқ: барча тошлар юқорига отилиб, олдин қўлда устида, кейин кафтда сақланиб қолса, ўша ўйинчи ғолиб саналади. Агар ўйин бирор босқичида тошлар бир-бирига текса ёхуд тошлар ҳаволанаётганда ерга тушса, ўйинчи навбати ўзгаради. Шофирконлик ахборотчи М. Қаландарованинг (66 ёш) фикрига кўра, тош-бойлик, ризқ-рўзнинг рамзий маъноси. Ўйин жараёни болаларнинг юқоридаги табиатларини камол топтириш учун хизмат қилади.

Китобда шу жанрга боғлиқ 115та болалар ўйинлари келтирилган. Бухорода ушбу ўйинларнинг саксон фоизи шу ерлик болалар томонидан ҳозирга қадар ўйналиб келинмоқда. Бу ранг-баранг ўйинлар болалар нафақат жисмоний, балки ақлий ва руҳий, эстетик жиҳатдан тарбия қилишда муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, «Тандир-тандир», «Қалпоқ тепди», «Чиллак» каби ўйинларда ижодий-шеърый парчалар мавжудки, улар болаларда бевосита эстетик кайфият, завқ-шавқ уйғотади. Шеърый парчалар ўйинда куч-қувват юкловчи восита сифатида муҳим аҳамият касб этади. «Қалпоқ тепди» ўйини копток ўйининг қадимий шаклига ўхшайди. Ўйинчи болалар айланада тизилишиб, ўртада навбатчига тайинланади. Болалар қуйидаги шеърни биргаликда айтиб туради:

Қизим, қизим, қизойим,  
Эски тўним ямомади.  
Сочлари ҳам узомади.  
Боғига кирса хўжак,  
Жуғ, жуғ, жуғ, хўжагим демади.

Ушбу парчани айтаётганда навбатчи бола айлана чизиқдаги қалпоқни қўриқлаб туради. Агар навбатчи бола қалпоқни ушлаб қолса, қалпоқни ола олмаган бола навбатда қолади. Парчада қизойим (қизжоним), ямомади (ямай олмади), узомади (уза олмади) каби Бухоро вилояти шевалари учрайди. Хўжак-боғдаги барака ҳисобланиб, ҳатто ота қизининг уни ўҳис қила олмаганидан куюнади. «Чиллак» ўйини ҳам ана шундай болаларнинг қизиқарли ўйинларидан биридир. Ютқизган бола югура туриб шундай шеър ўқийди:

Қўлларида қизил гул  
Яшнаб келади.  
Тағларида дулдул от,  
Кишнаб келади.

Кўлларида кетмони

Чопиб келади.

Машинага оқ шоҳи

Ёпиб келади

Кўлтигида китоби

Ўқиб келади.

Кўшиқдаги асосий қаҳрамон-бола. У паҳлавон, шижоатли ва чаққон. Дулдул отда келаяпти. У меҳнатни, гулни севади. Гул бу ерда нафақат чиройли ўсимлик, балки гўзаллик рамзидир. У болалар тасаввуридаги юксак ҳаёт тимсоли-машинани ҳам ҳайдайди. Бу ерда оқ шоҳи-миллийлик рамзи. Чунки шоҳи атлас-ўзбекларнинг энг қувончли кунларида: ҳовли олганида дарвоза дастагига, иморат солганида чўп устунлар тепасига байроқ сингари ҳилпиратиб кўйилади. Янги русумли машиналарнинг миллий заамимизда ҳам яратилаётганлигидан фахрланиш туйғуси ҳам ифода этилганлигини кўриш мумкин.

Шеърда бола илмга қизиқувчи, билимли. У ҳатто от устида ҳам китоби, қалами, дафтарини ёнида олиб юради. Шоиртабиат, кўшиқ ижод қилади.

Кўшиқ б-б тарзида қофияланган. Ички қофияга эга: яшнаб-кишнаб, чопиб-ёпиб, ўқиб-тўқиб каби тўлиқ қофиялардан таркиб топган. Келади сўзи-оҳанг ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган такрорий сўздир. Қофиядош сатрлар 2-4 туроғида қурилган.

Бухоро болалар фольклори қадимий ва анъанавийлик даврига эга. Унинг бадиий тадрижий ривожда мифология, тотемизм, анимизм, фетишизм каби тасаввурлар, турли культлар ва уларга хос ритуал тадбирлар, ҳар хил урф-одатлар, маросим, байрам, анъана ва қадриятлар ўз ифодасини топган. Болалар фольклори ахлоқий – таълимий жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, кўп вазифалилиги билан оммавийлик ва умрбоқийлик касб этиб келмоқда.

Болалар фольклори ўзига хос образлар тизими, мавзу ва сюжети анъанавий мотивлари, бадиий қурилиши, эстетик хусусиятлари, кўп вазифалилиги ва ғоявий мазмундорлиги билан чексиз аҳамият касб этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авезов С.С. Санама жанри табиати ва бадиияти. Монография. - Тошкент, Фан, 2008.

2. Бойчечак. (Тўпловчи ва тузувчи: Сафаров О, Очилов К) - Тошкент, ФАН, 1984.

3. Бухор элда гул сайли... (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Д. Ўраева, Д. Ражабов) - Тошкент, Муҳаррир, 2016

4. Мелников М.Н. Русский детский фольклор. (Учебные пособие), Москва, Просвещение, 1987.

5. Mirzayev T., Safarov O., O'rayeba D. O'zbek xalq og'zaki ijodi xrestomatiyasi (O'quv qo'llanma), - Toshkent, Aloqachi, 2008.

6. Раҳматов Й., Жўраева М. Фольклоршунослик дарғалари.- Тошкент, Firdavs-Shoh, 2022.
7. Safarov O. o'zbek xalq og'zaki ijodi. Darslik.- Toshkent, Musiqa, 2010.
8. Safarov O. O'zbek bolalar poetic folklori.- Toshkent, O'qituvchi, 2006.
9. Safarov O. O'zbek xalq bolalar o'yinlari.- Toshkent, Sharq, 2011.
10. Сафаров О. Фольклор-бебаҳо хазина.- Тошкент, Мухаррир, 2010.
11. Традиции и современность в фольклоре. (Отвественный ред. Соколова В.К.) Москва, Наука, 1988.

## **ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

***Агалиева Хабиба Нармаҳмад қизи***

*Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти таянч докторанти*

Бугунги глобаллашув жараёнида, модернизациялашаётган ва шиддат билан ривожланиб бораётган ижтимоий ҳаётда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш давр талаби бўлиб бормоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, унинг ривожланиш босқичида, албатта, барча соҳани қамраб олиши ва керак бўлса кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ислоҳ қилиш назарда тутилган. Ушбу мақсадга эришишда профессионал кадрларда ҳам касбий, ҳам шахсий компетенцияларини ривожлантирибгина қолмай, эндиликда уларнинг коммуникатив компетенцияларига ҳам эътибор қаратишимизни талаб этмоқда. Профессионал кадрлар ўз билимларини ҳам техник, ҳам педагогик йўналишларда илм, фан, таълим, техника, иқтисодиёт бўйича интеграциялашган ҳолда қўллай олиш принципларини яратиши лозим. Интеграциялашган даврда муҳим йўналишлар ўз фаолияти давомида ҳар қандай соҳа ва йўналишни базавий ўқитиш тизимига инновацион ёндашув асосида такомиллаштирилишини тадбиқ этади. Такомиллашиб бораётган даврда албатта профессионал мутахассисларга қўйилаётган талаб ва уларнинг илмий салоҳиятини ошириш ва таълим мазмунини бойитиб бориш албатта келажак авлод тарбиясида ўз аҳамиятини топади. Касбий ва шахсий компетенцияларга эга профессионал кадрларга ҳозирги кунда талаб кучли ҳисобланади, бироқ бугунги кунда коммуникатив компетенцияларга эга бўлган кадрларга талаб эса янада ортиб бормоқда. Бу эса, ўқувчиларда ўқув предметлари бўйича фақатгина билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишнинг ўзи етарли эмаслиги маълум бўлмоқда.

## MUNDARIJA

<b>Abdinazarov J., Islomov A.</b> Stratigrafik shkalani tuzish usulidagi obyektiv va subyektiv muammolar.....	3
<b>Abdunazarov O., Jabbarov X., Yadgarova S.</b> Sifatli ta'lim - kelajak poydevori.....	5
<b>Abduazizova Sh., Ibadullayeva Sh.</b> Sifatli ta'lim berishda inklyuziv ta'limning o'ziga hosligi.....	7
<b>Абдуваитов Д., Худойкулов А.</b> Отражение идеологического воздействия на изменение сознания молодежи и формирование у нее доверия к идее.....	10
<b>Абдувохобов А.</b> Тенденции развития международной трудовой миграции в странах СНГ на современном этапе.....	13
<b>Абдуганиева Г., Топилдиев В.</b> Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ва маҳрум қилиш асослари хусусида айрим мулоҳазалар.....	16
<b>Abdujalilova D.</b> Moliyaviy mustaqillik berilgan oliy ta'lim muassasalarida to'lov-kontrakt shakli mablag'lari bo'yicha xarajatlar va ularni hisobini takomillashtirish.....	23
<b>Abdullayev A.</b> Ta'lim sifatining ijtimoiy-psixologik omillarini takomillashtirish (pedagogik jamoadagi ijtimoiy-psixologik muhit misolida).....	27
<b>Абдуллаев И., Хасанов Ш., Кадирберганов Х., Сапаев А.</b> Тиббиёт олий ўқув юртларида таълим жараёнини инновацион мукамаллаштиришда анъанавий ёндошишларнинг аҳамиятли жиҳатлари.....	31
<b>Abdullayev M.</b> Geografiya ta'limida sinfdan tashqari ishlarning ahamiyati.....	38
<b>Абдуллаева Г.</b> Болалар шеърятининг маърифий-эстетик функцияси.....	42
<b>Абдуллаева М.</b> Сифатли бошқарув - сифатли таълим асоси.....	46
<b>Абдумаджидова Д.</b> Спорт ютуқлари самарадорлигини оширишда психологик тайёргарликнинг аҳамияти.....	51
<b>Abdumutalipova Sh.</b> The use of technology in teaching english.....	53
<b>Абдурахимова Д.</b> Молиявий технологияларни жорий этишнинг салбий ва ижобий самаралари таҳлили.....	56
<b>Абидова З., Жураева Х.</b> Энциклопедические понятия инициативы.....	58
<b>Авезов С.</b> Бухоро болалар фольклори бадиияти.....	63
<b>Агалиева Х.</b> Таълим сифатини оширишда коммуникатив компетенциянинг аҳамияти.....	68
<b>Adamboyeva N.</b> Aksiologik baho - lingvistik tadqiqot ob'ekti sifatida.....	72
<b>Алиев Т.</b> Янги Ўзбекистонда олий таълим тизимини ислоҳ этиш - тараққиёт гаровидир.....	76
<b>Alimov N.</b> Yangi O'zbekiston poydevori.....	79
<b>Алиярова Н.</b> Мактаб биология курсини ўқитишда ўқувчиларда экотизимга оид замонавий тушунчаларни шакллантириш имкониятлари.....	84